

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ
ЗАМОНАВИЙ ТРЕНДЛАР:
ТАЖРИБА, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

мавзусида ZOOM платформаси орқали ўтказилган
Республика онлайн илмий-амалий анжуманининг

МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ
ТЎПЛАМИ

Тошкент, 2020 йил 14 октябрь

Рақамли иқтисодий шакллантиришдаги замонавий трендлар: тажриба, муаммо ва истиқболлар: Республика онлайн илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2020. 350 б.

Мазкур тўламда Болгариянинг Русе университети ва Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодий университети профессорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ходимлари, идоралар раҳбарлари ва етакчи амалиёт мутахассислари, мамлакатимизда фаолият юритаётган Олий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда мустақил тадқиқотчиларнинг давлат ва бошқарув тизимида электрон ахборот алмашинувини такомиллаштириш, реал сектор корхона ва ташкилотларида рақамли технологиялардан фойдаланишда инновацион ёндашиш, таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш, рақамли иқтисодийда замонавий IT-трендларни қўллаш ва рақамли иқтисодий ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланишга бағишланган илмий-тадқиқот натижалари маъруза тезисларида ифода этилган.

Анжуман материаллари иқтисодий соҳасидаги амалиётчи-мутахассислар, экспертлар, ушбу йўналишда илмий изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи ҳамда магистрантларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. Шарипов К.А.

Таҳрир хайъати:

доц. Эшов М.П.,
доц. Худойкулов С.К.,
проф. Ғуломов С.С.,
проф. Бегалов Б.А.,
проф. Жуковская И.Е.,
доц. Алимардонов И.М.,
PhD Абдуллаев М.К.,
и.ф.н. Вафоев Б.Р.,
доц. Дадабаева Р.А.,
доц. Хашимходжаев Ш.И.,
доц. Абидов А.А.,
доц. Абдуллаева И.,
доц. Шоахмедова Н.Х.

Такризчилар:

проф. Шермухамедов А.Т.,
проф. Шодиев Т.Ш.

Мазкур тўламга киритилган маъруза тезислардаги статистик маълумотларнинг тўғрилигига муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

© Тошкент давлат иқтисодий университети, 2020.

МУНДАРИЖА

I. ДАВЛАТ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ АЛМАШИНУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ		
<i>Атанова М.</i>	TECHNOLOGICAL DEVELOPMENT AS A TOOL OF STRENGTHENING CORRUPTION CONTROL	12
<i>Бегичева С.В.</i>	ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ «УМНЫЙ» ГОРОД	18
<i>Маннанова Ш.Г.</i>	АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ	21
<i>Nazarov N.G'.</i>	ERKIN IQTISODIY HUDUDLAR BOSHQARUVIDA RAQAMLI TECHNOLOGIYALARNI JORIY ETISHNING ULARNING SAMARADORLIGIGA TA'SIRI	24
<i>Одилов Ш.Ф., Файzieва Г.Х.</i>	“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА 2020-2021 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	27
<i>Парниева Р.А.</i>	ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	30
<i>Пирматов О.Ш.</i>	ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРАТИ	34
<i>Раджиев А.Б.</i>	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА СТАТИСТИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	38
<i>Ризаев Х.Н.</i>	“ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ” ТИЗИМИНИНГ ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ИШ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ	43
<i>Саатова Л.Э.</i>	РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИДИР	48
<i>Тўхтахонов И.А.</i>	ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ	52

АСОСИЙ ОМИЛИ

**IV. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЗАМОНАВИЙ ИТ-ТРЕНДЛАРНИ
Қўллаш Афзалликлари**

<i>Azimov D.T.</i>	ANALYZING INFLUENCING BLOCKCHAIN FOR THE COMPETITIVENESS OF THE SUPPLY CHAIN IN LOGISTICS	225
<i>Гулямов С.С., Абдуллаев М.К.</i>	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	232
<i>Дадабаева Р.А., Родионов А.А.</i>	ОСОБЕННОСТИ CRM И ИХ ПРИМЕНЕНИЕ В БИЗНЕСЕ	238
<i>Жуковская И.Е., Шайимов Н.К.</i>	ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ВОЗДЕЙСТВИЯ ИТ ФАКТОРОВ НА ЭФФЕКТИВНОЕ ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ	243
<i>Зайнутдинов И.С.</i>	МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	248
<i>Зияматов Б.Ё.</i>	ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИ ҲИСОБЛАШ ЖАРАЁНЛАРИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ҚИЛИШ	252
<i>Kuldasheva N.</i>	THE ECONOMETRICS AND ABOUT STRATEGIES	257
<i>Қулматова С.С., Абдуллаев М.К.</i>	РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАР РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ БИЗНЕС МОДЕЛИ СИФАТИДА	259
<i>Назаров Д.М.</i>	ОСНОВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ	265
<i>Норбоева Н.Э.</i>	РОЛЬ ОБЛАЧНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ БИЗНЕСА	269
<i>Olimov M.K.</i>	SPECIFIC DIRECTIONS OF THE DIGITAL DEVELOPMENT OF INDUSTRIAL PRODUCTION	272
<i>Хайитматов У.Т., Умаров Ф.У.</i>	БУЮМЛАР ИНТЕРНЕТИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	277
<i>Хамдатов Д.В., Садinov А.З., Yuldasheva Sh.Sh.</i>	KIBERXAVFSIZLIK – RAQAMLI IQTISODIYOTNING MUHIM SHARTI	280
<i>Хашимова Д.П.</i>	РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ	283
<i>Хашимходжаев Ш.И.</i>	ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИ	288

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Гулямов Саидахрор Саидахмедович

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти
кафедраси мудири, ЎзР ФА академиги, и.ф.д., профессор

Абдуллаев Мунис Курбонович

Рақамли иқтисодийт ва ахборот технологиялари кафедраси мудири,
доцент (PhD), m.abdullayev@tsue.uz

Аннотация. Мақолада “Рақамли Ўзбекистон-2030” ва унинг йўл харитаси доирасида рақамли иқтисодийтнинг муҳим таркибий қисми сифатида агросаноат комплекси учун рақамли платформани яратиш зарурияти асосланмоқда. Рақамли платформанинг қишлоқ хўжалигининг турли йуналишларига мос келувчи субплатформалари ва турли хил амалий вазифаларни ҳал қилишга хизмат қиладиган дастурий иловалар тавсифланган. Рақамли платформани ривожлантириш босқичларининг кетма-кетлиги тақлиф этилади. Рақамли платформалар қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга имкон беради деган хулосага келинди.

Аннотация. В статье в соответствии с стратегией “Цифровой Узбекистан-2030” и его дорожной картой рассматривается необходимость создания цифровой платформы для агропромышленного комплекса как важного компонента цифровой экономики. Описана последовательность этапов развития Цифровой платформы, в которой описаны подплатформа цифровой платформы, подходящая для различных областей сельского хозяйства, и программные приложения, служащие для решения различных практических задач.

Annotation. The article, in accordance with the “Digital Uzbekistan-2030” strategy and its roadmap, considers the need to create a digital platform for the agro-industrial complex as an important component of the digital economy. The sequence of stages of development of the Digital Platform is described, which describes the sub-platform of the digital platform, suitable for various areas of agriculture, and software applications that serve to solve various practical problems.

Калим сўзлар. Рақамли платформа, амалий дастурларнинг интерфeyси, қишлоқ хўжалигидаги буюмлар интернети, катта маълумотлар, саноат интернети, виртуал реаллик, кенгайтирилган реаллик, хизмат сифатида платформа (Platform-as-a-Service).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон Фармони қабул қилинди. Унда,

республиканинг барча ижтимоий- иқтисодий соҳа тармоқларини рақамли трансформация қилиш йўл харитаси тасдиқланди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарорида 2023-йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали уни жадал шакллантириш масалалари кўйилди [1-5].

Ўзбекистон иқтисодиёти агросаноат комплексига рақамли платформалар ташкил қилиш унинг ривожланиши учун асосдир. Қишлоқ хўжалик агросаноат мажмуи бу истеъмолчиларга озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқариш ва тарқатиш учун маҳсулотлар ва хизматларни етказиб беришга ихтисослашган иқтисодиётнинг технологик ва иқтисодий боғлиқ тармоқлари бирлашмаси бўлиб, уни қишлоқ хўжалигини зарур моддий ресурслар билан таъминлаш (қишлоқ хўжалиги техникаси, ускуналар, минерал ўғитлар ва бошқалар), экин етиштириш ва чорвачилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини ва товарларни истеъмолчига етказиш (улгуржи ва чакана савдо, маҳсулотларни ташиш ва сақлаш, консалтинг, маркетинг ва реклама хизматлари)га бўламиз. Қишлоқ хўжалигида рақамли платформаларни шакллантиришда бутун дунёда ишлаб чиқилган рақамли платформаларни таҳлил қилиш ва шу асосда уларнинг ривожланишидаги етакчи тенденцияларни аниқлаш ва яратилаётган платформа учун асосий талабларни эътиборга олиш зарур. Бунда асосий йирик платформалар ва субплатформаларни қандай ҳолатда яратиш масаларини кўриб чиқиш керак.

Қишлоқ хўжалигида рақамли иқтисодиёт технологияларидан фойдаланиш масалалари академик С. Гулямов, Р. Аюпов, С.Б. Огнивцевлар ишларида кенг ёритилган. Бу асарларда рақамли платформалар ташкил қилиш ва қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялардан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилган. Қишлоқ хўжалигида сенсорлар технологияси, коммуникация технологиялари, ўсимликшунослик фанлари, компьютер фанлари ва муҳандислик фанлари бўйича доимий ҳамкорликдаги тадқиқотлар олиб бориш орқали қишлоқ хўжалигида ўсимликларнинг юқори рентабелликга эга фенотипик платформаси ташкил қилиш мумкин. Унда атроф-муҳит сенсорли тармоқлари, бузилмайдиган тасвирлар, спектрал таҳлил, робототехника, машинани ўқиш ва лазерли радар технологияси орқали сифатли таҳлил ишлари амалга оширилади. Физикавий ва кимёвий таҳлиллар атроф-муҳит тўғрисидаги маълумотларни, экспериментал метамаълумотларни (шу жумладан матн, расм ва спектрал, 3D нуқтали булут ва реал вақтда ўсиш маълумотларини) интеграциялашган автоматлаштириш платформаси ускуналари ва техник воситалар ёрдамида доимий равишда олишлари мумкин [6, 7].

Агросаноат комплексида кадастрлаштириш ва битимларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширишда блокчейн технологияларидан фойдаланиш, ерни ижарага бериш, географик ахборотлар, кадастр ва ердан фойдаланиш хизматлари бозорларида иштирокчиларнинг янги бизнес моделларини жорий этишни амалга ошириш муҳим ўрин тутди [8].

Тупроқ таркибини аниқлаш бўйича, агрокимёвий қўллаб-қувватлаш, мелиорация, экинларни етиштиришдаги вазифаларини ҳал қилишда рақамли субплатформаларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда шу асосда дастурий иловалар ишлаб чиқиш зарур. Ўсимликларни етиштиришда ва қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни моддий қўллаб-қувватлаш бозорларида инновацион бизнес моделларини жорий этиш, чорвачилик ва ветеринария учун рақамли субплатформани ишлаб чиқиш ва ривожлантиришни таъминлаш, чорвачилик соҳасидаги асосий ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этувчи дастурий иловалардан фойдаланиш, чорвачилик маҳсулотларининг сотишда бозор иштирокчиларининг инновацион бизнес моделларини жорий этиш, ушбу тармоқлар соҳасидаги асосий ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилувчи дастурларидан фойдаланган ҳолда озик-овқат ва қайта ишлаш саноати учун рақамли субплатформани ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, озик-овқат бозорларида инновацион бизнес моделларини жорий этиш, консалтинг хизматларини тақдим этишни ташқ, бунда хизматларни иллаштириштакдим этувчи мутахассислар, шунингдек, консалтинг хизматлари етказиб берувчилар иқтисодий моделларини ишлаб чиқиш масаларини ҳал қилиш зарур.

Ушбу агросаноат комплекси учун платформа ва суб-платформаларни амалга ошириш учун дастурий таъминотни танлаш, унинг ишлаши учун зарур бўлган ускуналар, платформани ташкил қилувчилар ва хизмат кўрсатувчи провайдерлар, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларни аниқлаш зарур.

Субплатформалар ўз навбатида ички субплатформаларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, экин етиштириш платформалари ўз ичига дон етиштириш суб-платформаси ва пахта етиштириш субплатформаларини олиши мумкин. Ҳар бир субплатформа дастурий иловаларга уланади, улар ички платформа иштирокчиларининг аниқ вазифаларини ҳал қилади. Бундан ташқари, субплатформаларда энг ривожланган технологиялардан фойдаланишлари зарур. Ердан фойдаланишга ерга мулк ҳуқуқи, шу жумладан ер участкалари, ер участкаларини ижарага олиш, Ерни баҳолаш, ер тузиш ва кадастр ишларини олиб бориш қиради. Ердан фойдаланиш субплатформалари, минерал ўғитлар, мелиоратив моддалар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва қишлоқ хўжалигини моддий таъминоти ташкил қилиб, ер ресурсларининг оқилона тақсимланишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда ердан фойдаланиш ахборот базаси реестрнинг маълумотлар базаси ташкил қилинган бўлиб, визуал кўриниши жамоат кадастри харитасида жойлашган. Шубҳасиз, кадастр хариталарини блокчейн технологиясига ўтказиш муайян истиқболга эга. Ерга эгалик ҳуқуқи ва ушбу ҳуқуқларни сотиб олувчиларни воситачиларсиз боғлайдиган ихтисослашган субплатформани яратиш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Яна бир муҳим субплатформа баҳолаш ва кадастр

хизматларининг субплатформасидир. Бу ҳолатда кадастр муҳандислари ва баҳоловчиларини миқозлар билан боғлайдиган субплатформа керак. Дон ва пахта етиштириш, боғдорчилик, сабзавотчилик, озука ишлаб чиқаришда рақамли субплатформаларни ташкил ишлаб чиқарувчиларни ахборот таъминотини иккита гуруҳга бўламиз: экинларни етиштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган дастурий иловалар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга ёрдам берадиган дастурлар. Биринчи ҳолатда фойдаланувчига хизмат сифатида дастурий маҳсулотларни тақдим этиш платформаси орқали амалга оширилиши мумкин, бу дастурий иловаларни ўз навбатида масофадан турувчи махсус хизматлар ("булутлар")да жойлаштириш харажатларининг тежалишига ёрдам беради. Улар дастурлар шаклида ушбу фойдаланувчиларга хизмат кўрсатадиган рақамли платформага уланиши мумкин. Иккинчи ҳолатда озиқ-овқат корхоналари, қайта ишловчи корхоналар, савдо компаниялари, воситачилик компаниялари, логистика компаниялари ва бошқалар маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ва унинг харидорларини бирлаштирадиган рақамли платформани ташкил қилиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида экинларни етиштиришда ҳар бир маданий ўсимлик учун маълум бир фазаларга мос келадиган технологик операциялар кетма-кетлиги ишлаб чиқилган бўлиб, улар технологик харита кўринишида тақдим этилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида унга тегишли дастурий модуллар ёрдамида ҳал этиладиган бошқарув ва технологик вазифалар келиб чиқади. Фойдаланувчи уларни "булутли сақлаш" дан хизмат сифатида олиши мумкин. "Дехқончилик" субплатформасида бир нечта субплатформаларни ажратиб шакллантириш мумкин: донли экинлар ва пахта бозорининг субплатформалари, саноат экинлари бозорининг субплатформаси, озука экинлари бозорининг субплатформаси, картошка, сабзавот ва мева бозорининг субплатформалари.

Чорвачилик соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг харидорларини боғлайдиган рақамли платформани ташкил қилишда чорвачиликни ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда турли хил хизмат вазифаларини ҳал этадиган дастурий воситалардан фойдаланамиз. Бунда қорамол, қуй ва бошқа ҳайвонларнинг туғилиши ва туғруқдан кейинги даври учун шароит яратиш, ёш ҳайвонларни боқиш, боқиш ва ишлаб чиқаришдан фойдаланиш, уруғлантириш ва насл бериш, қорамолдан олинадиган маҳсулотлар (сут, гўшт, жун ва бошқалар) буйича, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтиришда кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган кўплаб дастур модулларини ишлаб чиқиш зарур. Бундан ташқари ҳар бир тур учун мақбул рационни аниқлаш, подалар тузилишини режалаштириш, ҳайвонлар ва маҳсулотларни идентификациялаш, рўйхатдан ўтказиш ва излашда умумий маълумотлар базаларини шакллантириш, юритиш ва улардан фойдаланиш, паррандаларни, қорамоллар, қуй эчки, туя ва бошқа ҳайвонларни етиштириш учун эксперт тизимларини шакллантириш зарур. Ушбу модуллар дастурий платформа сифатида рақамли платформага қўшилади. Чорвачиликнинг субплатформасида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, касалликларни ва ветеринария хизматларини рўйхатга олиш учун якуний

таксимланган реестр (блокчейн технологиялари) дан ва катта маълумотлардан фойдаланиш, яйловларда ва автоматлаштирилган соғиш тизимларида подани бошқариш учун сунъий интеллект ва робототехника тизимларидан фойдаланиш, кенгайтирилган реаллик технологияларидан алоҳида ветеринария хизматларида, қорамолларни боқиш ва соғишда самарали фойдаланиш мумкин.

"Консалтинг" субплатформасини экинларни етиштириш бўйича илмий маслаҳат хизматларининг субплатформаси, уруғларни танлаш субплатформаси, техник хизмат кўрсатиш субплатформаларига бўлинади. Бунда сўнгги технологиялардан фойдаланишимиз зарур: далаларни ўрганиш учун катта маълумотлар, эксперт тизимларини учун сунъий интеллект, кишлоқ хўжалиги техникасини бошқариш ва ёқилғи сарфини бошқариш учун робототехника ва сенсорлар, симсиз технологиялар, уруғларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини этикетлаш учун виртуал ва кенгайтирилган ҳақиқат технологиялари, уруғчилик бўйича нанотехнологиялар.

Сувдан фойдаланиш субплатформаси сувдан самарали фойдаланиш субплатформаси, сув ҳисобини юритиш субплатформасидан ташкил топган бўлиб, сув хўжалиги объектида сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи тизимлар, насос станцияларини электр энергия истеъмолининг автоматлашган назорат тизимлари ва ирригация тармоқларида сув тежовчи янги технологияларни қўллаш дастурий воситалардан фойдаланилади.

Кишлоқ хўжалигида яна бир ривожлантирилиши керак бўлган тизим "Қайта ишлаш ва савдо" субплатформасини яратиш келажакда қайта ишлаш корхоналарини тўғридан-тўғри чакана савдо дўконлари ва дўконлар билан боғлаш имконини беради, бу эса дистрибьюторлар ва воситачиларнинг улушини сезиларли даражада камайтиради [9]. Ушбу субплатформа қайта ишлаш саноатидаги кўплаб технологик жараёнларни рақамлаштириш, корхоналарни автоматлаштириш тизимларини қуриш учун стандарт жараёнлардан фойдаланиш, савдо-сотикда маркетинг ва савдо жараёнларини яхшилашга олиб келади. Қайта ишлаш ва савдо соҳасида сўнгги технологиялардан фойдаланишда маркетинг учун катта маълумотлар, қайта ишлаш саноатида кўплаб технологик муаммоларни ҳал қилиш учун сунъий интеллект, хавфсизликни таъминлаш ва савдо операциялари реестрини учун блокчейн технологиялари озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни прототиплаш учун янги ишлаб чиқариш технологиялари; омборларни автоматлаштиришда саноат Интернети; касалликларни аниқлаш ва даволаш учун тавсиялар ишлаб чиқишда нанотехнологиялардан фойдаланиш самандорликни оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кишлоқ хўжалигини рақамлаштиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур: давлат органлари, шунингдек ривожланиш институтлари томонидан рақамли иқтисодиёт ва агробизнеснинг ривожланиш стратегияларига мувофиқлигини мониторинг қилишлари, ЎЗР ФА илмий ташкилотлари, кишлоқ хўжалиги ва информатика соҳаларидаги агробизнес ташкилотлари агробизнесни рақамлаштириш бўйича амалий эҳтиёжларни аниқлашлари, кишлоқ хўжалигидаги рақамли платформалар ва дастурий иловаларни ишлаб чиқишда ахборот технологиялари соҳасидаги компаниялар иштирокини таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони. ҚҲММБ, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2019 йилдаги «Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизимини инфраструктурасини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ № 4321 сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-3832 сонли қарори.
6. Jiangchuan Fan, Ying Zhang, Weiliang Wen Shenghao, Gu Xianju, Lu Xinyu Guo. The Future of Internet of Things in Agriculture: Plant High-Throughput Phenotypic Platform. Journal of Cleaner Production Available online 24 August 2020, 123651.
7. Anton Pijla, Edoardo Quarellaa, Teun .Vogelb, Vincenzo D'Agostinoa, PaoloTarollia. Journal International Soil and Water Conservation Research Remote sensing vs. field-based monitoring of agricultural terrace degradation.
8. Гулямов С. Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётнинг инновацион технологиялари самарадорлигини ошириш.Т ошкент давлат иқтисодиёт университети. ГСС илмий мактаб 7.02.20й.
9. Огнивцев С.Б. Концепция цифровой платформы агропромышленного комплекса // Международный сельскохозяйственный журнал. 2018. № 2.
10. Қулматова С. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш масалалари. Иқтисодиётда инновациялар журнали. “Рақамли иқтисодиёт: янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали ривожлантиришнинг янги босқичи” (DEUZ) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясига бағишланган махсус сон, 2020 йил 26 февраль. 134-139 б.

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ
ЗАМОНАВИЙ ТРЕНДЛАР:**

ТАЖРИБА, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

мавзусида ZOOM платформаси орқали ўтказилган
Республика онлайн илмий-амалий анжуманининг

МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ

Мухаррирлар

Вахабова М, Камилова Д.

Мусаххих

Султанова Д.

Техник муҳаррир

Қаршиева Ш.

Босишга рухсат этилди 12.10.2020. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Шартли босма табағи 30,5. Адади 100 нусха.
10-14-сонли буюртма.

100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов шох кўчаси, 49-уй.

«ADAST POLIGRAF»

МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Проектная, 9/117-уй.